



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 24 июнь, № 132 (7634)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни амалий ташриф билан Россия Федерациясига келди.



Москва шаҳридаги «Внуково» аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Хукуматининг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига ташрифи дастурининг биринчи тадбири ўлароқ олий даражадаги музокаралар бўлди.

Кремлда давлатимиз раҳбарини Россия Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Сўхбат чоғида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи билан келиши айнан шу кунларга режалашти-

рилган эди. Аммо коронавирус пандемияси ушбу режаларни ўзгартириб юборди, тадбир бошқа муддатга кўчирилди.

Учрашув бошида Россия Президенти Шавкат Мирзиёевга Буюк Ғалабага бағишланган тантаналарда иштирок этиш таклифини қабул қилгани учун миннатдорлик билдирди.

Владимир Путин мамлакатимиз Куролли Кучлари вакиллари мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор бугун, 24 июнь куни Қизил майдонда бўлиб ўтadиган парадда иштирок этиш ҳақида сўз юритар экан, «бу ўзига хос иттифоқчилик муносабатларимизнинг яққол намоиши» эканини таъкидлади.

Россия Президенти, шунингдек, Ўзбекистон халқи Ғалабага улкан ҳисса қўшганини,

юртдошларимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилганини, элимиз эвакуация қилинганларни бағрикенглик билан қабул қилганини мамнуният билан қайд этди. Тошкент шаҳрида Ғалаба боғи ташкил этилгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Владимир Путин ва бутун Россия халқини улғ айём билан табриклади. «Бу — бизнинг умумий тарихимиз, умумий ғалабамиз», — деди Шавкат Мирзиёев. Тошкентдаги Ғалаба боғининг Ёдгорлик мажмуаси фондини бойитиш, шунингдек, Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссаси тўғрисида янада ҳаққоний статистик маълумотларни олиш мақсадида архив материалларини тақдим этишга тайёрлик намойиш этга-

ни учун Россия томонига миннатдорлик билдирди.

Президентлар кейинги йилларда икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Жаҳон инқирози оқибатларининг салбий таъсирини қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмокда. Хусусан, ўтган йили ушбу кўрсаткич 6,6 миллиард долларга етган. Жорий йилнинг илк ойларида ўзаро савдо ҳажми қарийб 2 миллиард долларни ташкил этди.

Икки давлат етакчи компанияларининг кооперацияси кенгаймоқда: бугунги кунда 2 мингга яқин қўшма корхоналар фаолият юритмокда, юртимиз иқтисодиётининг барча асосий тар-

моғини қамраб олган ҳолда қиймати 12 миллиард доллардан зиёд бўлган янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилмокда.

Умуман, Россиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялари ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши — фан ва таълим соҳаларидаги фаол алмашинувлар. Кейинги бир неча йилда юртимизда Россия етакчи олий таълим муассасаларининг 7 та филиали ташкил этилди. Уларнинг умумий сони 10 тага етди. Россиянинг яна 4 та университети филиалларини очиш режалаштирилган.

Бундай ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликка кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бу нафақат савдо, инвестициялар, транспорт ва таълим, балки қишлоқ ҳўжалиги, фан ва инновациялар, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм ва бошқа муҳим йўналишлардир.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия муносабатларининг долзарб масалаларини батафсил кўриб чиқдилар.

Фаол мулоқотни давом эттириш ҳамда Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия ва Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида келишувларни ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматларига бўлажак олий даражадаги ташрифта пухта тайёргарликни давом эттириш, бунда янги иқтисодий дастурлар ва илгор инвестиция лойиҳаларига эътибор қаратиш топширилди.

Президентлар халқро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак учрашувлар режасини, шу жумладан, МДҲ ва ШҲТнинг навбатдаги саммитларига тайёргарлик қириш ва уларни ўтказиш борасида келишиб олдилар.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Владимир Путиннинг учрашуви якунига етди.

Бугун давлатимиз раҳбари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этиши режалаштирилган.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ҲОЗИРГИ ШАРОИТ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ ТАҚОЗО ҚИЛЯПТИ

Қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётда самарали ишлаши, энг аввало, унинг пишиқ-пухта тайёрлишига, ҳаёт билан узвийлигига бевосита боғлиқ. Зеро, ҳуқуқий ҳужжатлар одамлар турмуш тарзини яхшилашга, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмас экан, бундай «ўлик» қонунларни қабул қилишдан ҳеч қандай фойда бўлмайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳозирги мураккаб давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор қонун лойиҳалари батафсил кўриб чиқилди.



Вақтинчалик Регламентга ўзгартишлар киритилди

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишлари кўйи палатанинг 2020 йил 16 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишига қарши курашиш даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларини видеоконференцола режимда ўтказиш бўйича вақтинчалик Регламент»га мувофиқ, ўтказиб келинмокда.

Аёнки, ҳозирги мураккаб шароит карантин давомида палата фаолиятини янада такомиллаштириш, самарали йўлга қўйишни тақозо этаётир. Бунинг учун тасдиқланган вақтинчалик Регламентга ҳам ўзгартишлар киритилиши талаб этилади.

Мажлисида ушбу долзарб масала депутатлар томонидан атрофича кўриб чиқилди.



Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда мутолаа маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бу бежиз эмас. Чунки бугун ёшларда китобга, адабиётга мухаббатни шакллантирмасак, келажақда улардан юксак маънавиятни кутиш амримаҳол. Фақатгина адабиётга инсонни эзгу қадриятларга ошно этади, тафаккурини бойитади, мулоҳазага чорлайди.

Таҳлил

Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатмокдаки, бугунги шиддатли давр ёшларда сиёсий онг ва ҳуқуқий саводхонликни ҳам шакллантириш борини талаб этмокда. Ёш авлодни Ватанга мухаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга интиляётган эканмиз, бунда кенг миқёсдаги англианишлар жараёнидаги уларнинг дахлдорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Илгари мактабларда дарс бошланишидан аввал беш дақиқалик «сиёсий ахборот» — газеталар шарҳи ўтказилар эди. Катта авлоднинг сиёсий етуқлигига шу ҳам сабаб бўлгандир, балки. Зеро, ҳар доим сиёсий тузумнинг ўзгариши ва қайта қуриш жараёни одамларга ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунириш орқали кечган. Ва бунда бosh ролни айнан матбуот ўйнаган. Тарихга назар солсак, бунга етарлича мисолларни кўриш мумкин.

Бугунга келиб айрим шахсларнинг газеталарга бефарқ муносабати эса уларнинг сиёсий билим ва маданияти қанчалик даражада эканлигини ҳам кўрсатмокда.

Бугунги кунда марказий нашрларда мамлакатимиз кундан-кунга босиб ўтаётган мураккаб, аммо шонли ва шарафли йул акс этаётир. Ўзининг газета ўқимаслиги ҳақида фахр билан айтаётганлар бу йўлнинг ҳаётбахш нурларидан, улардаги рангоранг жиллолардан тўла баҳраманд бўлаётир, дея олмаимиз.

Ахир айнан газета нафақат бугунги кун панорамасини тўлиқ кўриш ва кузатиш, балки келгусидаги истиқболни ҳам яққол тасаввур қилишга ёрдам бериши кундек равшан-ку?! Газета худди дарслик сингари барча мавзуларни, мамлакатнинг бутун тарихидаги йилномасини қамраб олади. Ундаги мақола — эртагаёқ эсдан чиқиб кетадиган узук-юлук фактнинг ўзигина эмас. Мақолага ҳар доим қайтиш мумкин. Керак бўлганда, яна бошдан мулоҳаза қилсан, муҳим жойларини белгилаб, ўқиганларни кейинчалик фойдаланиш учун сақлаб қўйиш мумкин. Эфирда кетган маълумотларнинг олганда бўлганидек ниманидир ўтказиб юбориш зинҳор мумкин эмас.

Шу билан бир қаторда, матбуотда ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор. Битта мақола ёки ахборот тайёрланганда неча кишининг кўз нури тўқилади, кейин саҳифаланади, ҳар бир ўқиганига маъсуллик қўлидан сўқилиб, босмаҳонага юборилади ва тонгача тўлиқ босмадан чиқарилади, охирида тайёр маҳсулот — газета ўқувчилар қўлига етиб бориши учун бутун мамлакат бўйлаб юзлаб одамлар жон қойилади. Массууллар тунламаҳалгача, янаям аниқроғи, тонгочага қолиб ишлади. Ёнг қизғин, шу ҳол ҳар кун такрорланади. Бундай иш тартибига ҳар қандай одам ҳам чидаш беролмаслиги аниқ.



ТУРКҲИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ТУРИЗМ ВАЗИРЛАРИНИНГ V ЙИГИЛИШИ

ТуркҲий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДҲК) Туризм вазирларининг V йиғилиши видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.

Мазкур онлайн учрашувда ТТДҲК Бош котиби Багдад Амреев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов, Туркия маданият ва туризм вазирини Мехмет Эрсой, шунингдек, Кенгаш таркибидagi бошқа мамлакатлар туризм соҳаси раҳбарлари қатнашди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14 сентябрь куни «Ўзбекистон Республикаси томонидан ТуркҲий тилли давлатлар ҳамкорлик

Кенгашининг тузилиши тўғрисидаги Нахичеван битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги Қонуни имзолаган эди. 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТТДҲК саммитида Ўзбекистон Республикаси тўлақонли аъзо сифатида қатнашди ва тадбирда давлатимиз раҳбари иштирок этди.



Ўзбекистон — Чехия: ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР ВА ФАОЛ АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро гурӯҳининг — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари Акмал Саидов ва Чехия парламенти Депутатлар палатаси Спикери ўринбосари Войтик Филлип иштирокидаги биринчи онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Парламент дипломатияси

Тадбирда Ўзбекистон ва Чехиянинг тегишли давлат-

лардаги элчихоналари ва киллари ҳам иштирок этди.



ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ



ТОШКЕНТНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИДАН СЎЗЛОВЧИ КЎҲНА МАДРАСАЛАР

Тошкент қадимдан мамлакатимизнинг маданият марказларидан бири бўлган. 2007 йил январда Ислам конференцияси ташкилоти таркибидagi муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни "Ислам олами маданиятининг пойтахти", деб эълон қилгани ҳам бежиз эмас. Бу нафақат Тошкент, балки бутун ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳодир.

Мозийдан садо

Тошкент ўтмишда ўзининг зиё масканлари — мадрасалари билан ҳам машҳур бўлган. Бу ерда минтақага ислом дини кириб келган даврлардан бошлаб қўлаб мадрасалар барпо этилган. Муҳаммад Солиххоннинг "Тарихи ҳадидаи Тошканд" асариди қайд этишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда 20 та мадраса фаолият кўрсатган.

Хожа Аҳрор мадрасаси Тошкент мадрасалари орасида энг қадимийси бўлиб, 1451 йилда қурилган. Мадраса Чорсу бозори бошида, Хожа Аҳрор масжидининг шимолида жойлашган бўлиб, пишиқ ғишт ва йўнилган тошлардан бино қилинган. Кўкалдош мадрасаси ва бозор дўконлари билан туташ бўлган. Мадраса йигирмита хўжра, битта дарсхона ва масжидни ўз ичига олган.

Шаҳардаги яна бир қадимий мадрасалардан бири Кўкалдош мадрасаси бўлиб, Шайхонтохур даҳасида, Чорсу майдонидаги Шаҳростон тепалигинда Хўжа Аҳрор Валий жоме масжидининг ёнида Бароқхоннинг ўғли Дарвишхон томонидан бунёд этилган. Кўкалдош мадрасаси дастлаб уч қаватли, ўттиз саккизта хўжрали бўлган. Унинг кенг ҳовлиси

хўжралар ва очик айвонлар билан ўралган. 1868 ва 1886 йилларда шаҳарда содир бўлган зилзилалар натижасида мадрасанинг фақат бир қавати сақланиб қолган.

Мазкур кўҳна билим даргоҳида кўпал олим уфузалор сабоқ берган, тахсил олганлар. XVI асрда Кўкалдош мадрасасида ўз замонасининг машҳур олимларидан Шамсиддин Муҳаммад Куртий, Хожа Юсуф Кошгарий дарс берган. Ўзбек мумтоз шеърятининг вакили — шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий Тошкентга келган вақтида шу мадрасада истикомат қилган. 1889 — 1891 йиллар мобайнида машҳур шоир Зокирхон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам ушбу мадрасада истикомат қилиб, таълим олган ва ижод билан шуғуллангани тарихдан маълум.

Мазкур мадраса фаолият бошлаганидан буён "Кўкалдош мадраса масжиди" деб номланган. 1999 йилдан эса "Кўкалдош Тошкент ислом ўрта махсус билим юрти" деб номланди. Билим юртида Куръон, ҳадис, сарф, наҳв, мутолаа каби диний илмлар билан бир қаторда ўзбек тили ва адабиёти, табиат, журфодия, инглиз тили, физика, математика, астрономия, инфор-

матика ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилади.

Тошкентнинг қадимий обидаларидан яна бири — Бароқхон мадрасаси. У Ҳазрати Имом мажмуасидаги мейморий ёдгорлик бўлиб, Тошкентнинг энг гўзал обидаларидан бири ҳисобланади. Мазкур мажмуа XV-XVI асрларда бир неча босқичда қурилган иморатлардан тарқиб топган. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара, 1531 йилда эса ҳовли тўридаги пештоқли хонақоҳда шайбонийлар сулоласининг Тошкентдаги ҳокими Суюнхўжа мақбараси қурилган.

XVI аср ўрталарида Мирзо Улуғбек сулоласининг вакили, Тошкент шаҳрининг ҳукмдори Наврўз Аҳмадхоннинг буйруғи билан илгари қурилган иккала мақбарани ҳам ўз ичига олган мадраса барпо этилган. XIX аср манбаларида мадраса талабалари ва ўқитувчилари шахмат ўйнашга ишқибоз эканлиги қайд этилади. Тошкент ҳокими Қаноат Оталиқ 1859 йилда Бароқхон мадрасасининг вайрон бўлган хўжралари ва ҳовлисини тавмирлатиб, янги вақф мулклари ажратади. 1868 йилги зилзиладан мадраса қаттиқ зарар кўриб, вайрон бўлган. У 1904-1905 йилларда тошкентлик уста Хожа Абул Қосим томонидан қайта тавмирланган.

2007 йилда Бароқхон мадрасаси таркибидagi мақбаралар устидаги гўмбазлар қайта тикланди, мадраса безаклари бойитилиб, меъморий ўлчамларининг уйғунлигига эришилди. Бугунги кунда мадрасада хатотлик ва миллий ҳунармандлик устaxonалари жойлашган.

Абулқосимхон мадрасасини Бешёғоч даҳасида 1850 йилда Шайх Абулқосим эшон қурдирган бўлиб, Тошкентдаги энг



йирик мадрасалардан бири ҳисобланади. Бинонинг энг эски қисми — хонақоҳи Мўйи Муборак Абулқосимнинг отаси Эшонтохрон томонидан 1820 йилда бунёд этилган.

Мадраса дарвозасидан кираверишдаги чап ва ўнг томонда дарсхоналар, ҳовли ўртасида сардоба, тўрда эса Мўйи Муборак хонақоҳи, шаҳар ташқарисидан келиб ўқийдиган талабаларга мажбурий бўлган 60 дан ортиқ хўжралари бўлган. Мазкур мадрасада Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхон, Фулом Зафарий ва Абдурауф Фитрат маълум вақт тахсил олган. Абулқосимхон мадрасаси қайта тавмирланган, бу ерда "Устоз — шоғир" йўналишидаги халқ ҳунармандлари устaxonаси фаолияти йўлга қўйилган.

Мўйи Муборак мадрасаси дастлаб XV асрда Бароқхон мадрасасининг қаршисида қурилган. Хожа Аҳрор Валий то Самарқандга кетгунча бу ерда бир муддат талабаларга дарс ҳам берган. Кейинчалик мадраса бузилиб кетган.

1857 йилда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад қўшбеги амри билан Кафпол Шоший мақбараси жанубида пишиқ ғиштдан қайта қурилган. "Тарихи ҳадидаи Тошканд" асарида қайд этилишича, мадрасанинг алоҳида бир гўмбаси бўлиб, унда Пайгамбар алайҳиссаломнинг соч толлари — мўйи муборак сақланган.

2007 йилда Мўйи Муборак мадрасаси қайта тавмирланди ва машҳур Муҳаммад Усмон музей — кутубхонасига айлантирилди. Мазкур даргоҳ бугунги кунда нафақат ўймакор ёғоч эшиклари, янги ўрнатилган хаворанг гўмбаси, замонавий усталар қўлидан чиққан ганчкор безаклари билан, балки бу ерга қўйилган ноёб тарихий манба — машҳур Мухсафи Усмон ҳамда турли тарихий қўрьонлар музейи сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Қорида қайд этилган, бугунги кунда тикланиб, тавмирланиб ёки қайта қурилоб, ўз тарихий номи билан фаолият юритаётган мадрасалар қаторида ўз даврида яхши маълум бўлган, бироқ бугунги кун-

гача етиб келмаган Юнусхон мадрасаси, Бекларбеги мадрасаси, Эшонқули додхон мадрасаси, Қосимбой Қоратий мадрасаси, Маҳмуд дастурхончи мадрасаси ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу даргоҳлар олий таълим муассасаси сифатида суд-ҳуқуқ тизими учун кадрлар тайёрлаш, илм-фан, адабиёт ноҳияларини етиштиришда катта аҳамият касб этган.

Бугунги кунда пойтахтимизда замонавий иншоотлар, осмонўпар бинолар қурилиши билан бир қаторда, унинг буюк ўтмишидан сўзлайдиган қадимий обидаларни тиклаш, тавмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, миллий анъанавий услубдаги маҳабатли иншоотлар ҳам бунёд этилаётир.

Улардан бири — Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази. 2017 йилда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 2017 йилнинг 1 сентябры кунини давлатимиз раҳбари Ҳазрати Имом мажмуасида ташкил этилаётган Ислам маданияти маркази номини Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази деб ўзгартиришни таклиф этди. Ушбу таклифни ҳамма бирдек мамнуният билан қабул қилди. Марказ учун 9,1 гектар майдон ажратилган бўлиб, бино миллий анъанавий услубда бунёд этилмоқда. Марказ, аввало, меъморий ва бинокорлик нуқтаи назаридан ниҳоятда улғур, муҳташам ва ноёб бўлишига ишончимиз комил.

Қисқача айтганда, бундай юсак бунёдкорлик ишлари ўтмиши буюк Тошкентнинг ислом оламидаги макени янада ошириб, кўҳна ва замонавий шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириши, шубҳасиз.

Дано ЗИЯЕВА,
ЎзРФА Тарих институти бўлими мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

Камбағаллик қандай бартараф этилмоқда?

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, бу орқали аҳоли, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадини ошириш ҳамда турмуши фаровонлигига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бандлик

Бу борада олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар, тарғибот ишлари натижасида маълум бир тоифадаги юртдошларимиз боқимандалик кайфиятини унутиб, яратиш берилаётган шароит ва имтиёزلардан фойдаланиб даромад топаётгани, айниқса, уларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани кувонарли ҳол, албатта.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мазкур

йўналиш бўйича аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшлар учун қўшимча иш ўринларини ташкил этиш борасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, ҳунармандчилик йўналишлари бўйича шоғирд хунармандлар тайёрлаш учун ўқув машғулоти ўтказишга салоҳияти бор уста-ҳунармандларнинг ва ушбу лойиҳада қатнашиш истагидаги ҳунармандчиликка қизиққан фуқароларнинг, шу жумладан, имконияти

чекланган ҳамда бандлиги таъминланмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилди.

Вазирлик ахборот хизмати маълумотига кўра, бугунги кунда мамлакат бўйлаб давом этаётган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ҳам ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб боришмоқда. Бунда Президентимизнинг шу йил 26 мартдаги "Иқтисодийни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим омил бўлмоқда.

— Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ томонидан пандемия даврида даромадсиз қолган 3434 оила, уларда

яшайдиган 16 минг 47 киши аниқланди, — дейди вазирликнинг бўлим бошлиғи И. Ибрагимов. — Айниқса, ҳудуддаги 17 114 та ёрдамга муҳтож оилага манзилли кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чоралар кўриляётир. Жумладан, эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган саховатпеша тadbиркор ва хайрихоҳ шахслар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Натижада бундай хонадонлар оталиққа олиниб, ишга яроқли фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Айтиш жоиз, Қорақалпоғистон Республикасида шу йил бошидан буён 1 минг 432 киши бизнес субъекти янгидан ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 16 минг 362 тага етди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ
(«Халқ сўзи»).

Богдорчилик қўшма корхонаси иш бошлайди

Бу келишувга Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси кўмаги билан "Kasansay Dry Fruits" масъулияти чекланган жамияти ва Польшанинг "Rolbank" компанияси ўртасида ўтказилган видеоучрашув чоғида эришилди. Музокаралар якунига кўра, Косонсой туманида қўшма корхона ташкил этиладиган бўлди. У Наманган вилоятида Польша инвестицияси иштирокидаги илк корхона сифатида фаолият бошлайди.

Инвестиция

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги ва богдорчилик борасида Европада нуфузли ўринга эга бўлган Польша давлати бугун қитъани олма билан таъминлайди. Бу мамлакат соҳибдорлари меванинг айни тури бўйича гектаридан 80 — 100 тоннагача ҳосил етиштирадilar. Полякларнинг ушбу тажрибаси Наманганда жорий этилиши богдорчилик ривожига янги йўналиш очади. Хусусан, умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳанинг ҳаётга таътиб этилиши натижасида 300 гектар бог ташкил қилинади.

Шунингдек, польшалик ҳамкорлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклиги асосида Косонсой богдорчилик институти ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Унга Косонсойдаги бўшаб қолган коллеж биноларидан бири ажратиб берилди. Бу даргоҳда богдорчиликнинг барча йўналиши учун етук мутахассислар тайёрланади. Режага кўра, талабалар очилажак олий даргоҳнинг учинчи курсини битирганларидан сўнг якуний тўртинчи босқични Польшада тугаллайдилар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ибрат

Тиниб-тинчимас юртдошларимиз тadbиркорлик, ҳунармандчилик, паррандачилик, томорқа орқали турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Хусусан, Бухоро вилоятида қўлаб оилалар асарличиликни йўлга қўйиб, яхшигина даромад олмоқда.

Қорақўллик отахон 50 дан зиёд оилаларга ёрдамга отланди

Қорақўллик 73 ёшли Ҳасан Искандаров асарличиликнинг ҳадисини олганлардан. Умрининг қирқ йилдан зиёдини қишлоқ ҳўжалиги соҳасига бағишлаган отахоннинг асарличиликка меҳри жуда баланд.

— Ўтган асрнинг 50-йилларидан асарличилик билан шуғулланаётган отамга эргашиб, шу митти жониворларни парваришлашни ўрганганман, — дейди Ҳасан Искандаров. — Шукр, асло кам бўлмадим. Бирор нарсага зарар қилмадим, бароққа топдик. Ҳозир ҳам ҳовлимизда минг қутига яқин асарлини фарзанду невараларим, келинларим билан парвариш қилаяпмиз.

Асалари — етти ҳазинанинг бири. У она табиат томонидан инъом этилган мўъжиза. Қўллаб-хасталиклари даволашда яхши самара беради. Қолаверса, мўмай даромад манбаи.

Отахон туман ҳокимлиги тақдим қилган рўйхатга мувофиқ, 50 дан зиёд кам таъминланган

хонадонларга 170 қутига яқин асалари оилаларини тўхфа қилди. Бугина эмас, шу хонадонларга атайин бориб, асаларини парвариш қилиш сир-асрорларини ўргатишмоқда, керакли тавсиялар бермоқда. Ўз навбатида, туман бандлик маркази бу фуқароларга меҳнат дафтарчалари топширди.

— Яхши парвариш қилинган битта асалари оиласи мавсумда 20 килограмм неъмат беради, — дейди отахон. — Бир килограмм асал 50 — 55 минг сўмга баҳоланган тақдирда, битта асалари оиласидан камида бир миллион сўм даромад олинади. Бу бир оилага мавсумнинг ўзида тўрт миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имконияти деган гап. Шу боис фарзандларим билан бирга эҳтиёжманд оилаларга ёрдам беришга бел боғладик. Яқинда яна 150 дан зиёд асалари оилаларини кам таъминланган хонадонларга тарқатиб чиқиш ниятидамыз.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Термиз филиали кафедраларининг пуборак ходимлари тоифаси ва вакант (бўш) профессор-ўқитувчилари лавозимларига танлов эълон қилади.

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Фалсафа фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Ўзбекистон тарихи фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Диншунослик фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Тиллар кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Хорижий тил (инглиз тили) фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Хорижий тил (инглиз тили) фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Ўзбек тили фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Аниқ ва табиий-илмий фанлар кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Физика фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Математика фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Ахборот технологиялари фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Кимёвий ва озиқ-овқат технологиялари кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Озиқ-овқат инжиниринги жараёнлари ва қурилмалари фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Кимёвий технология асослари фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Тўқимачилик корхоналарининг техник назорати фани бўйича: ассистент — 2 ўрин.

Кимё ва экология кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Кимё фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Кимё фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Кимё фани бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Кимё фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Умумқасбий фанлар кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Техник механик фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Муҳандислик графикаси ва компьютерли лойиҳалаш фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Амалий механика фани бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Метрология, стандарташтираш ва ўзаро алмашувчанлик фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Транспорт тизимлари ва технологик машиналар кафедраси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: профессор — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: доцент — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Транспорт иншоотлари ва автомобиль йўллари:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: профессор — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: доцент: — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Мутахассис фанлари бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Электр энергетикаси:

Кафедра мудири — 1 ўрин.
Назарий электротехника фани бўйича: профессор — 1 ўрин.
Электроника фани бўйича: доцент — 1 ўрин.
Автоматик бошқариш назарияси фани бўйича: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
Электротехник материаллар фани бўйича: ассистент — 1 ўрин.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар филиал директори номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, паспорт нусхалари, маълумотнома (объективка), илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлганда уларга тегишли дипломлар ва аттестатлар нусхалари, малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, 5 йиллик истиқболли «Йўл харитаси»ни топширадilar.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.
ЭСЛАТМА: танловда қатнашувчилар синов дарсларини ўтказадilar.

Манзил: **Термиз шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 288-«А» уй, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали биноси, V блок, 1-қават, 2-хона.**
Мурожаат учун телефон: **76-221-87-20**

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобидан қиймат «занжирлари»ни ривожлантириш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳавий таклифларни қабул қилади.

Лойиҳавий таклифлар 2020 йилнинг 13 июлига қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни www.uzaifsa.uz сайтдан олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй.
Тел: 71-241-33-30
Почта манзили: lsdp@rra.uz

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби, таниқли ёзувчи **Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz



МАТБУОТ — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

1 Изласак, юртимизда ҳам замон талабига кўра фаолият юритаётган босма нашрлар кўп. Кейинги йилларда газеталаримизда мунтазам равишда иқтисодий шарҳлар бериб борилапти, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар, ислохотлар қандай бораётгани, Президент Фармон ва қарорлари одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани кенг ёритилмоқда. Таҳлил ва шарҳлар тайёрлаш учун миллий ва хорижий экспертлар, сиёсатчилар, турли соҳа мутахассислари жалб этиляпти. Газеталаримизга катта масъулият юклатилган — у ҳам бўлса, ватандошларимизга эртанги ёруғ кунлар сари бораётган йўлда ҳаммадан бўлиш, таъбир жоиз бўлса, ҳамроҳи, сирдошига айланшидир.

Жамиятнинг маданияти юксалишида ҳам газетанинг ўрни салмоқли. Негаки, айнан газета тил софлигини, унинг адабий-бадиий хусусиятларини, сўз юки ва кудратини нафақат сақлаб қолади, балки ошириб ҳам боради. Босма нашрда ҳар бир сўз чуқур ва кенг маъно-мазмунга эга. Газета адабий тил қондаларига тўлиқ амал қилгани учун ҳам қадрли. Айнан босма нашрларда ишловчи журналистлар шу босма ҳам ахборот майдони элитаси ҳисобланади. Улар ўз ўқувчилари олдидаги юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, мулоҳазакорлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик ва бурча содиқликни фаолиятининг асосий тамойиллари деб билишади.

Хуллас, газета ўқини хохламайдиган киши — ҳаётга панжаранинг кичик бир тирқишидан қарашга маҳжум инсон кабилдир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш учун очик майдон яратилди. Бундай имкониятдан фойдаланиш йўлидаги турли говлар: маъмурий, норасмий чекловлар деярли олиб ташланди. Жамиятда ҳар ким ўз фикрини бемалол билдириши, мурожаат ва эътирозлари, таклиф ҳамда шикоятларини эркин ифода этиши учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва у тақомиллаштирилмоқда. Фуқаролар, журналистлар, блогерларга катта минбарлар берилди. Булар интернет, ундаги ижтимоий тармоқлар, порталлар, газета-журналлар, ТВ ва радио, хуллас, ахборот етказишнинг барча воситасини, онлайн ва офлайн, анъанавий ва ноанъанавий инструментларни қамраб олди. Шунга яраша инсоннинг сўз ва ахборот олиш эркинлиги, журналистик фаолият эркинлиги кафолатлари тубдан муҳтақамланди, бундай ҳуқуқларга дахл ёки қаршилик қилганларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Пировардида юртимизда шаффоф ва тезкор ахборот майдони вужудга келди. Турли ахборот сайтлари ривожлана бошлади, блогерлик ҳаракати кенг қўлчоқ эвди. Бугун ҳар ким ва ҳар бир ташкилот, ҳоҳ у матбуот соҳаси бўлсин, ҳоҳ бошқа соҳа ўз сайти, "Telegram" канали, "Facebook", "Youtube", "Instagram" каби ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини юритиши оддий ҳолга айланди. Табики, бундай ҳолатда ахборот олиш ва етказиш жабҳасида ҳам рақобат кескин кучайиб кетди. Ҳўш, бундай замон шиддатига, тараққиёт шартларига ҳамма ҳам дош бера олаётми? Тезкорлик билан мослашнинг уйдасидан чиқмоқдами? Шубҳасиз, йўқ ва бу табиий жараён. Сабаби, ҳар қандай рақобатда барибир кимдир етакчи бўлади, бошқаси ўрта-миёна ва яна кимдир аутсайдер. Ҳатто унга дош бера олмади кимдир кетаётганлар ҳам йўқ эмас.

Тан олиш керак, бугунги кунда аудитория қамрови бўйича ва умуман, контент рейтингларида нодавлат оммавий ахборот воситалари, хусусан, интернет сайтлари, шунингдек, блогерлар юритаётган онлайн каналлар етакчи ўринларда туради. Биз уларнинг бу ютуқларидан фақат хурсанд бўламиз. Шу билан бир қаторда, бу ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўпчилиги ҳам аниқлаштирилади. Янши томони шундаки, мажбур ҳолат плорализм мавжудлигини аниқлаштирилади, бу эса ахборот тарқатишда рақобатни кучайтириб, сўз ва фикр эркинлиги учун янги имкониятлар яшигини очади. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти куришининг асосий талабларидан биридир.

Бошқа томондан эса плорализмни бошбоқдоқлик, ўзбекилармонлик деб тушунамаслик керак. Чунки бундай ҳаётда давлат ахборот хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлик ҳамда социал қайфиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Шунинг учун бу борадаги олтин ўрталикни таъминлаш бугун ҳар қачонгидан мумкин. Бинобарин, охириги пайларда

айтилаётгандек, нафақат Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎА каби расмий ахборот эпказиб берувчилар, балки давлат ҳокимияти органлари матбуот нашрлари, веб-сайтлари фаолияти, салоҳияти, моддий-техника базаси, кадрларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун нима қилиш керак? Давлатимиз раҳбари ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантиги барчамиздан янгилаш шайни, янги гоа ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этаётганини таъкидлаган ҳолда, оммавий ахборот воситалари олдида кенг миқёсли вазибалар кўнётган бир пайтда ишни қандай ташкил этиш лозим? Келинг, ушбу саволларга қуйидаги контраст ва мезонлардан келиб чиқиб жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Биринчидан, дунёқараш масаласи. Давлат органларидаги матбуот мутасаддилари доимий изланишда бўлишлари лозим. Давлат телеканалли ва сайти ёки матбуотда ишлайдиган ҳар бир журналист ҳам масалага шундай ёндашиши керак. Доимо ўз устида тинимсиз ишлаши, тажриба тўплаши, кўпчиликини ўйлантираётган муаммоларни кўтариб чиқиш орқали каттарок аудиторияга эга бўлишга интилиши лозим. Бунга нафақат дунёнинг, балки юртимизнинг яқин тарихида ҳам мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Иккинчидан, рақобат масаласи. Интернет даври бошлангани билан даврий матбуот низоҳатда мураккаб аҳволга тушиб қолди. Пандемия эса унинг инқирозини янада тезлаштирди. Бу бутун дунёда кузатилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Анъанавий босма нашрларнинг обунаси буткул тушиб кетган. Бунга бир томондан етказиб бериш хизматининг беқарорлиги сабаб бўлса, бошқа томондан обунани расмийлаштириш жараёналарининг нисбатан мураккаблиги, газеталарни киосклардан харид қилиш имкони йўқлиги ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шунга яраша газеталарга реклама бериш ҳам кескин камайиб кетди.

Газета-журналлар ушбу ҳолатдан чиқишини мубокил йўллари қидиришга аниқлаштирилади. Улар газеталарнинг электрон вариантларини интернет орқали эълон қилиш, ижтимоий тармоқларда фаол қатнашиш чораларини кўришяпти. Лекин буларнинг барчаси маблағга бориб тақалади. Бундай имконият эса ҳамма ҳам йўқ. Кўпчилик нашрлар, ҳатто кадрларини ва техник базасини сақлаб қолиш учун ҳам муассисларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолгани кўп нарсани аниқлатади.

Бу борада бошқа мамлакатлар қандай йўл тутяпти? Узоққа бормайлик. МДҲ давлатлари ичинда коронавирусдан энг кўп азият чекаётган Россияни олиб кўрамиз. Бошқалар каби Россияда ҳам оммавий ахборот воситалари корона-вирус тарқалишидан энг кўп зарар кўрган тармоқлар рўйхатида киритилган. Шу боис соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Маълум қилинишича, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида Россияда ОАВнинг солиқлар тўлашини олти ойга кечиктириш, уларга давлат, коммунал ёки

миздек, молиявий-иқтисодий аҳоли пандемия туфайли янада хароб ва ҳаминқадар бўлиб қолган жойда кадрлар кўнимсизлиги оддий ҳолга айланиши, шубҳасиз.

Агар шундай пайтда давлат органлари, муассислар ўзларига тегишли оммавий ахборот воситаларини моддий қўллаб-қувватласа, ходимларни рағбатлантириш сиёсати самарадорлигини ошираса, нафақат малакали кадрларни ушлаб қолиш имконияти ошади, балки бошқа "ақл"ларни ҳам жалб этиш имконияти пайдо бўлади.

Тўртинчидан, танқид масаласи. Аксарият ўқувчиларда расмий каналлар



ёки нашрлар танқидий материалларни кам беради, кўпроқ ижобий ҳолатлар ёритилади, деган стереотип пайдо бўлган.

Чиндан ҳам, давлат органлари ва муассислигида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўларок, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳукумат, вазириликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари олдида жиҳоддор эмас. Шунинг асл мақсади аудиторияни кўпайтириб, даромад орттириш, бизнес қилиш. Табики, ахборот соҳасида ахборот берувчи давлат органларига тобе бўлмаслиги даромад олиши мумкин. Бу борада давлат телеканаллари, нашрлари ва сайтларининг имкониятлари чекланганини нафақат ўша жойда ишлайдиганлар, балки муассислар ҳам яхши билиди.

Бешинчидан, ички цензура масаласи. Узоқ йиллар давомида фақат ижобий рўҳдаги мақолалар ёзишга кўникиб қолган журналист учун тўсатдан танқидий материал тайёрлаш осон кечмаслиги аниқ. Бунинг учун, аввало, ўз фикрлаш тарзини ўзгариштириш керак бўлади. Қолаверса, ҳамма ҳам бир деганда бунинг уйдасидан чиқарвермайди. Афтидан, айнан шу жиҳат янги Ўзбекистоннинг дастлабки йилларида ахборот майдонидида эстафета тағйи блогерлар, хусусий интернет сайтларига ўтиб кетишига туртки берди. Айнан улар жамият ҳаётидаги энг оғрикли муаммолар (мажбурий меҳнат, коррупция, "снос"лар, ҳокимларнинг эўравонликларини) дадил кўтариб чиқишди. Имконият қўлдан бой берилганда, уларга "етиб олиш" анча қийин масала бўлиб қолди.

Олтинчидан, манбалар билан ишлаш масаласи. Энг долзарб ва мумкин воқеалар, янгиликлар ҳақида одамлар давлат нашрлари, каналлари ёки сайтлари орқали эмас, балки хусусий ахборот сайтлари, блогерлар, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ҳатто хориждаги оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлишмоқда. Расмий манбалар эса бу борада маълум муддат сукут сақлайди, фақат рўхсат бўлгандан кейингина шу ҳақда ахборотни узатади. Бу вақтда қанчадан-қанча бошқа хабарлар тармоқлар орқали "оқиб келаётган" бўлади. Буни иккита омил билан тушунтири

дай тайёрланишини ўрганади, соҳанинг негизини ташкил этувчи билим ва малакаларини оширади.

Бундан ташқари, ўқув даргоҳларида Ватан манфаатларига садоқатли етух журналистни етиштириб беришга хизмат қилаётган ўзбек тилидаги сифатли дарслиқлар, адабиётлар жуда кам. Борлари ҳам эски ва улар тақомиллаштиришга муҳтож. Хорижда тан олинган мутахассисларнинг китобларини таржима қилишга эҳтиёж жуда катта.

Аслида, демократик фуқаролик жамиятида журналистларнинг обрўси анчайин балинд бўлади. Чунки улар ҳақиқий тўртинчи ҳокимият, давлат ва



ҳалқ ўртасидаги ўзига хос маънавий-маърифий кўприқлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, журналист ҳар бир ёзётган сўзи учун масъулиятни ҳис этади, ҳалқ жамият олдида жавобгар ва жиҳоддор бўлади. Блогерда эса мутлақо бошқача ёндашув. У кўп ҳолларда ўзининг шахсий фикрини ифода қилади ва бу фикр жамиятга муайян таъсир ўтказиши.

Бу ерда гап журналистларни блогерлар билан, давлат оммавий ахборот воситаларини хусусийлари билан таққослашда эмас. Асосийси, бугунги кунда улар ўртасидаги мувозанатни сақлаш. Бунда журналистлардан давр талабларига мослашиш, меҳнат самарадорлигини ошириш талаб этилади. Бу эса мамлакатимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Фикримизча, ҳозирги шароитда босма нашрлар куйидагича ҳаракат қилишлари лозим:

Биринчидан, газеталар воқеаларни ўзларининг интернетдаги сайтлари орқали тезкор бериши мумкин. Таҳририятлар бу шароитда конвергенция жараёналарини тезлаштиришлари, ўз олдликларига кўпроқ мақсадлар қўйишлари керак. Бунда асрлар давомида шаклланган сўзга масъулият билан ёндашиш хусусиятининг рақамли форматда ҳам ўз аксини топиши уларга бугунги кунда ишлаб турган веб-ресурсларга нисбатан устунлик беради. Босма ҳолатда эса энг муҳим воқеалар ҳақидаги мақолалар, таҳлилий материаллар, интервьюлар, қизиқарли репортажлар ва публицистикани бериш мумкин.

Иккинчидан, шарҳлар ва таҳлилий мақолалар тайёрлашга жалб этиладиган экспертларнинг сонини ошириш керак. Вазириликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ОАВ билан доим алоқанда бўладиган эксперт ва мутахассислар гуруҳларини ташкил этиш ҳақида кўп гапирилди. Албатта, бундай ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш зарур. Ҳеч бўлмаганда муносиб қалам ҳақи тўламини керак.

Учинчидан, телевидение, радио ва интернет нашрлардан фарқли ўларок газеталар бўлаётган воқеаларни кўрсатиб бериш билангина чекланиб қолмасдан, ўз даврининг солномасини ҳам яратади. Кўп ўтмай, газета ва журналларда чоп этилган материаллар тарихий манбага айланади. Шу маънода, энг муҳим тарихий жараёнларни кенг ва батафсил ёритиш ўзгармас шартлардан бири бўлиши керак.

Тўртинчидан, маълум маънода матбуотнинг бошқа шаклга ўтиши кадрларни қайта тайёрлашни, уларга янги форматдаги билимлар беришни талаб этади. Улар таҳририбали мураббийларнинг семинарларида фаол иштирок этишлари, хориждаги муваффақият билан иш олиб бораётган таҳририятлардан мутахассисларни тажриба алмашиш учун жалб этишлари зарур. Шу билан бир қаторда, кўпгина таҳририятлар техник модернизация қилиниши шарт, лекин улар бунга моддий жиҳатдан қодир эмас. Бу борада ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар муаммони ҳал этиши мумкин.

Бешинчидан, янги форматга ўтиш, ижодий эксперимент, бренд ва дизайн тубдан янгилаш — аудиторияни ўзига жалб этиш, афзалликларни кўрсата билишнинг муҳим омилларидан. Видеоформатларни ишга солиш, саҳифалашда янги дастур ва усуллардан фойдаланишда дадил бўлиш, ишни пайсалга солмаслик керак. Бунда ўқимиздаги энг илгор газеталар ва хорижий нашрлар фаолиятини ўрганиб чиқиш катта фойда беради.

Матбуотни ривожлантириш билан боғлиқ яна бир масала, бу — **газеталарни ўқувчиларга етказиб бериш тизимини ислох қилиш.** Чунки чоп этилаётган матбуот нашрлари истеъмолчига ўз вақтида етиб бормапти. Натияжада чоп этилган мақолаларнинг долзарблиги, вақт нуқтаи назардан қийматли йўқолмоқда. Демак, энг аввало, ҳар бир нашрнинг ўқувчига ўз вақтида етказилишини таъминловчи тизим яратиши кечиктириб бўлмас масалалардан.

Мавриди келганда, эътибор қаратилиши керак бўлган яна бир масалага тўхталмоқчимиз. Бу — ахборотнинг ишончилиги.

Ишончимиз қимматли, бу борада босма нашрлар илгорлигини ҳеч қачон ҳеч қимга бермас керак. Негаки, **газета, бу — ҳўжжат, у — архив.** Асрлар ўтиб жамиятнинг бугунги қиёфасига ўнга қараб баҳо берилади. Шунинг учун босма нашрлар масъулиятини интернет сайтлари ёки блогерликка нисбатан анчайин залворли. Газетада босилган ҳар бир сўзининг ўз масъулияти бор. У босиб чиқарилган, на таҳрир қилиб, на ўчириб ташлаб бўлади.

Аслида матбуот — ҳаёт кўзгуси.

Яъни у воқеалар жараёнини авлодлардан авлодларга етказувчи манба.

Матбуотни ўқиш одамни китобга йўналтиради, бу эса теран фикрлашга, кенг дунёқараш эгаси бўлишга йўл очади. Умуман олганда, ҳар доим ҳам матбуотнинг барқарор ривожланишига аҳолининг матбуотга интилиши ва давлатнинг мунтазам равишда газета-журналларни қўллаб-қувватлаш хизмат қилган.

Афсуски, ўқувчаримиз керагидан ортқ соддалаштирилган ёки жўн ахборотларни олиш ва ўқиганларини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга кўникиб қолаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Ихчамлик, соддалик ва оддийлик орасидаги чегара йўқолиб қолди. Тезкорлик билан тайёрланган янгиликлар, репортажлар ўқувчини мулоҳазага чорламайди. Агар фақат "лайк" олиш учунгина бирор шов-шувли хабар берилиши керак бўлса, у ҳолда ОАВнинг тафаккурини, дунёқарашини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида гапирмас ва бўлаверади.

Таассуфики, бугунги даврда тезда унинг янада, бирор одам воқеа ёки жиноят тўғрисидаги хабарлар одамларни нисбатан кўпроқ жалб этаётди. Айнан "хайп" учун ишлаш мана шундай ноҳуш хабарларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Агар биз намуна кўрсатмасак, бу тенденция борган сари ривожланиб боравериши аниқ. Бу ерда гап ахборотни яшириш ҳақида кетмаптит, аксинча, ахборотлар хилмаҳиллигини таъминлаш ва воқеликни холисона ёритиш назарда тутиляпти. Яъни ахборот яхши ишланган, мукамал предмет эмас, у доимий ҳаракат, ўзига хос жараёндир. Бир оз меҳнат қилинса бас, ўқувчи қуруқ ахборотни ўқибгина қолмай, балки унинг сабаб ва оқибатларини, воқеаларнинг умумий ривожини ҳам кўради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев соҳа ходимларига йўллаган табригида оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий рўх кучайиб бораётганини таъкидлар экан, ҳам ахлоқий, ҳам профессионал нуқтаи назардан ўта муҳим бир жиҳатга эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари фикрига кўра, ахборот майдонидидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва холислик тамойилларига асосланиши, қўнун ва одоб қондалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ва хусуматга, сохта оғру орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шайини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Сўзимиз якунида айтмоқчи бўлганимиз, айнан газеталар бу тамойилларга риоя қилган ҳолда, давр талабидан келиб чиқиб қўйилаётган вазибаларни бажаришга қодир, деб ишонамиз.

Ўткир РАҲМАТ.

Яшнайверар хуфриятдан таралган нур



Абдували Кутбиддин иқтидорли, нозиктаб ва юксак дидли шоир эди. Йўқ, бу ижодкорга нисбатан "эди" деб ишлатиш ноқоим. Унинг шеърларини ҳамон севиб, худди шоирнинг ўзидек илоҳий тугёнга тушган кўйи, берилиб ўқияпмизми, демак, у ҳаёт.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, "Дўстлик" ордени соҳиби Абдували Кутбиддин агар ҳаёт бўлганида табаррук 60 ёши қаршиларди. Шоир асарлари бир ёқдан янгича ифода ва оҳанглари, бошқа томондан, миллий рўҳ асосига қурилгани билан дилларимизга яқин. Ҳар битта битигини ўқиш жараёнида беихтиёр унинг шеърини оламига кириб борасиз, уларда ўзгачаликни, янама аниқроғи, илоҳий бир файзини туюсиз.

Қуйида ижодкорнинг шеърларидан намуналар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ДАЪВАТ

Кўнгил обод ўлса, унда хатар бўлмас, Обод бўлмоқ инсон учун улугликдир. Агар унда чирок ёнса, ёруғликдир, Ёруғликда тонглар ахир улугликдир. Шу тонглари авлодларга ким атади? Болгаримиз кўнгил билан ким будади? — Қалбга қўйиб англаб олинг ватанримизни.

Қанча қайроқ қайрадилар кўз олайиб, Ўт қўйдилар ичи кўрқ хашақлариб, Кибларга, ҳасалларга, шақ-шақларга, О, қанчалар юрагидан кетди майиб, Ҳақиқатнинг оловидан зум бўжмайиб.

Тик турди-ку Баҳоуддин Нақшбандий, Соҳибқирон, Бобур мирзо, Улугбеклар, Кешийлар шошиёлару, дилбандийлар, Аҳли Хораз, ҳўқандий самарқандий, Улуғ йўлга от қўйдилар эларуғ беклар.

Ўзгилгимиз сари кетдик, қўқрак қериб, Орзулару умидларни бир-бир териб, Буюк давлат қўшиғига ихлол бериб, Боламизга шижоатни мерос бериб, Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб кетмоқдамиз, Умр ўтар аста-аста ўтмоқдамиз. Аммо кўнгил хотиржамдир, тўри бўлди, Ойдинлик ҳам бағримизга бағир бўлди.

Минг йил ўтар, ўзгаради бу дунёлар, Балки намқуш тортиб қолар қуш ҳаволар, Балки тўфон қўтарайди шўқ сабоблар, Ўзгармайди то қиймат аҳду паймон, Ўзгармайди Ер юзида Ўзбекистон, Яшнайверар хуфриятдан таралган нур. Ранги ўчмас, қони эзгу бу зийлар.

Мангуликдир чин меҳнатлар ва заҳматлар, Йўқимиз учун ёнган бу ҳикматлар, Аждодларнинг руҳи айтан бу раҳматлар, Келажакнинг уйи янглиг бу мактаблар, Бу ишончлар, бу тўғйўлар ҳамда сўрур.

Адашмайлик, қайишмайлик, эгилмайлик, Хийнату алдовларга бүклимайлик, Афрларнинг кимхобига тикилмайлик, Айрилмайлик орзулардан ва Ватандан.

Шукрона айт, Абдували иқболингдан, Гул бахтингдан, бугунингдан, зилолингдан. Билдинг ахир Ўзбекистон ва шавқатини, Она Ватан деган қўтулғу тариқатини, Шу тариқат пойдор бўлди, қуллўғ қилгил, Озодлиғу ободлиқни сен туг қилгил.

Илдамлагин Истиклолнинг йўлларидан, Бу йўлларни, саодатга элтүүвчидир, Ҳеч туширма байроғингни қўлларингдан, Адл турган муродига етүүвчидир.

Дўшватим шу: Ватан — Аллоҳ назардандур, Қарийадилоғи вожиб Ҳўжа Хизрдандур. Ватан ахир йимон учун бир саждагоҳ, Кимки Ватан ичра бўлса ўшол оғоҳ.

Йимондандир хизмат қилмоқ раиятга, Бутун халқга, азиз юртга, ҳақиқатга, Ўзбекистон деган буюк муҳаббатда, Яшаб бирга, Кетиб бирга, Тирилганда —

Ўзбекистон жонагоним — Ватан, десак, Парвардигор, ўзинг уни асра, десак, Шу юрт учун порлат, десак кўзимизни, Тўпроғига тўпроқ қилгин ўзимизни. Онажоним, Жондан сукук Ватан десак!

Орази кўзгуда айна ҳиллолду, Камолин соқчиси, жангчи малолдир. Юртим ёнида қалб эҳтиросин Аямий урадир меҳри қасоси. У нозик қайғудир, нафис айрилиқ, Ботиндан оловдай кўчган хайқирди, Исмаилоқ ҳисларин сочган қушқаддам, Хозирдан олдинроқ, Аввал, муқаддам. У жуда меҳрибон, жуда оқила, Ишқин меҳмони, хушим сарбони. Йўқласа, жамбиллар унар бир йўла, Юлдузи қалдирғоч киби осмони. У асл париваш, у тенгсиз имодд, Қилган муножотин нола лафзида. Нақадар фусункор, нақадар обод, Менга ҳам уй борми иффор фаслида...

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва малафига қайтарилмайди.

Газетанинг тақазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-йў.

Набатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳас — С. Исломов.